
ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 5

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL
ADABIYOT
TA'LIM



Philological research:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

Филологические исследования:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 5

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 19.10.2020
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV, iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Kurbanazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 19.10.2020
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)

Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 19.10.2020
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

ЁҚУБОВ ШАРИФ МУҚИМОВИЧ
Шоир қадами етган манзиллар 7

YODGOROV SHAMSIDDIN ABDURAIMOVICH
Diniy matnlarni teolingvistik jihatdan
tadqiq qilish metodologiyasi (Qur'oni Karim misolida) 10

TURDIQULOV SHERZOD DUMINOVICH
Lingvomadaniy kodlarni aniqlashda kult omili
(Surxondaryo teotoponimlari misolida) 14

KURBANAZAROVA NARGIS SHODIYEVNA
Qo'ng'irot etnonimining shajaraviy tarkibiga oid ayrim onomastik tahlillar 17

NADIM MUHAMMAD HUMAYUN
Etnorealiyalarning milliy etnografik leksikada aks etishi
(Afg'oniston o'zbeklari misolida) 20

RAXIMOVA UMIDA DJUMAYEVNA
Shaxsh nutqi voqelanishida areal ta'sir 23

RAJABOV FERUZ UMARQULOVICH
Folklor onomastikasi va uning terminologiyasi 27

TURDIMURODOV SIROJIDDIN ESHQOBILOVICH
Nom (ot) bildiruvchi evfemik birliklarning ma'no turlari 30

MUMINOVA NILUFAR ABDURAHMONOVNA
"Temurnoma" asaridagi antroponimlarning tarixiy-etimologik qatlamlari 33

ERGASHEVA DILRABO ALLANAZAROVNA
Konsept inson ruhiy holatining ifodalanishida asosiy lingvokognitiv unsur 36

SAMIYEVA SURAYYO ORIPOVNA
O'zbek va tojik tillarida evfemizmlar va ularning sinonim so'zlar bilan aloqasi 39

NE'MATOVA YULDUZ
Ayrim tabiiy-geografik oykonimlarning leksik-semantik xususiyatlari xususida
(Namangan viloyati oykonimlari misolida) 43

MADAMIOVA RA'NO YUSUPBAYEVNA
Qoraqalpog'iston dialektal arealining leksik xususiyatlari 46

AMINI AZIZ AHMAD
Shimoliy Afg'oniston o'zbek shevalarida
dehqonchilik mahsulotlari nomlarining ifodalanishi 50

МУНДАРИЖА

QULTO‘RAYEVA SARVINOZ BAHODIR QIZI
O‘zbek tilshunosligida toponimik tadqiqotlar talqini 52

SARIYEVA ZAMIRA
Structural features of possessive pronouns in indonesian language 56

РАДЖАПОВА НАТАЛЬЯ БАЗАРОВНА
Синтаксис гендерной лексики в русском языке....58

JALILOVA MUXLISA ZAFARJON QIZI
O‘zbek tili Toyloq shevasining leksik qatlamlari 61

ADABIYOTSHUNOSLIK

АТАНИЯЗОВА МУБОРАК АБДУЛЛАЕВНА
Искандар образи Олим Шарафиддинов талқинида....64

АЛИМОВ ПАРДА
Тарихга бир назар....67

BOBOJANOV ALISHER
YULDOSHEV DILMUROD
Tanqid va badiiy ijod: adabiy jarayondagi o‘zaro munosabatlar 72

TA’LIM

RAXMATULLAYEVA SHAXODAT ZIYOTOVNA
OROMOVA NAFOSAT JO‘RAYEVNA
Adabiy ta’limda nazariy ma’lumotlar –
badiiy matn mazmunini anglashning asosiy vositasi sifatida....76

РЎЗИҚУЛ МУСТАФОҚУЛОВ
Профессор Бекпўлат Умурқуловнинг ижодий фаолиятига бир назар 80

Termiz davlat universitetining 70 yillik yubileyiga



ПРОФЕССОР БЕКПЎЛАТ УМУРҚУЛОВНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Рўзиқул Мустафоқулов,
Термиз давлат университети доценти, филология фанлари номзоди

Илм, фан оламига ўндан зиёд фан докторлари, элликка яқин фан номзодлари, фалсафа докторлари ҳамда беш нафар ёзувчи-шоирлар етказиб берган Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Мачай қишлоғида филология фанлари доктори, профессор Бекпўлат Умурқулов 1949 йилнинг 25 мартида таваллуд топган.

Бекпўлат Умурқулов ўрта мактабни тугатиб, 1967 йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг 1-курс талабаси бўлди. Уни 1971 йили тугатиб, 1971 йилнинг август ойидан, 1972 йилнинг май ойигача Гагарин (ҳозирги Музработ) туманида “Меҳнат зафари” газетасида катта адабий ходим бўлиб ишлади. 1972 йилнинг май ойидан 1973 йилнинг июнь ойигача ҳарбий хизматда йигитлик бурчини адо этди. 1973-1976 йиллар давомида Гагарин (ҳозирги Музрабод) туманидаги 1-ўрта мактабда она тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларга сабоқ берди. 1976 йилдан 1987 йилгача Ўзбекистон фанлар академияси А.С.Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида ишлаган.

Б.Умурқулов 1987 йили М. Т. Ойбек номидаги Термиз давлат педагогика институтининг (ҳозирги Термиз давлат университети) ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, 1988 йилдан “Бошланғич таълим, тиллар адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика факультети деканининг илмий ишлари бўйича ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди.

Ўзбек тили ҳақидаги, унинг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари тўғрисидаги билимлар, бўлажак олимни йирик тилшунос олимлар В.В.Радлов, С.Е.Малов, А.К.Бороков, А.Н.Кононов, Н.А.Баскаков, А.М.Шчербак В.В.Виноградов, А.И.Ефимов, Г.О.Винокур, В.П.Тригорыев кабилар билан бир қаторда Ғ.Абдураҳмонов, С.Усмонов, У.Турсунов, С.Муталлибов, Э.Фозилов, А.Рустамов, Ш.Шукуров, Б.Ўринбоев сингари ўзбек тилшунослари ижоди қизиқишини янада оширди. Айниқса, тил қонуниятларини, унинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш имкониятлари олимнинг келажаги учун замин бўлиб хизмат қилди. Шахснинг камолоти йўлида адабий муҳит етакчи ўрин эгаллайди.

Бекпўлат Умурқуловнинг устозлари, сафдош дўстлари – Иброҳим Ҳаққулов, Сувон Мелиев, Шомирзо Турдимов, Низомиддин Маҳмудов, Дурдона Ҳудойберганова, Шуҳрат Кўчимов, Маърифат Йўлдошева (Маърифат-манавият), Боқижон Тўхлиев (шарқшунос), Нусратулла Жумаҳўжа, Абди Маматов, Дўстмамат Қулматов, Нурбой Жабборов, Бахтиёр Менглиев, Баҳодир Каримов, Ҳамидулла Дадабоев, Самижон Ашурбоев, Султонмурод Олим, Узоқ Жўрақулов. Вилоятлардан: андижонлик Дилмурод Қуронов, фарғоналик Алижон Мамажонов, қашқадарёлик Дамин Тўраев, Нафас Шодмонов, Бойназар Йўлдошев, Хўжамурод Жабборов, термизлик Бобоназар Муртазоев, Шариф Ёқубов, Шоҳиста Маҳмараимова, самарқандлик Ибодулла Мирзаев, Суюн Каримов, Азамат Пардаев, Азмиддин Носиров, Абдураим Туропов, Муслиҳиддин Муҳиддиновлар муҳитидан

озиқ олиб, улар сафида ижод қилаётган олим Бекпўлат Умурқулов бўлади.

Филология фанлари доктори, профессор, олим Бекпўлат Умурқуловнинг қаламига мансуб айрим илмий-ижодий фаолиятига назар ташлаб ўтамиз. “Ўзбек нутқи маданияти очерклари” (Ҳаммуалифликда.Тошкент, “Фан” 1988) монографияси, “Лектор нутқи ва бадиий тил” (Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1981), “Сўз танлаш санъати” (Тошкент, “Ўзбекистон нашриёти, 1985) Поэтик нутқ лексикаси (тошкент 1980) китобнинг “Бадиий адабиётда сўз” (Тошкент, “Фан”, 1993), “Бадиий наср жозибаси” Тошкент “Муҳаррир”, (2021, “Савод ўргатиш методикаси” (Душанбе, 1994, ҳаммуаллифликда), “Ўзбек тили” (Термиз, “Жайҳун” 2000), “Ўзбек адабий адабий тили” (Ўқув қўлланма). Тошкент, “Янги аср авлоди” 2001), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (дарслик), Тошкент “Молия”, 2003. “Ҳозирги ўзбек адабий тилидан машқлар тўплами” (лотин тилида дарслик, Термиз, “Жайҳун”, 2007), “Ҳозирги ўзбек адабий тили (Термиз 2009) “Ўзбек тилининг амалий грамматикаси” (Термиз, 2018, ҳаммуаллифликда) каби дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи. Шунингдек, 250 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар муаллифи ҳамдир.

Республикамизда илмий, илмий-педагог кадрлар тайёрлашда ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, унинг илмий раҳбарлигида 10 нафар фалсафа докторлари (PhD) тайёрланган.

У 2006 йилдан Antigue world халқаро илмий академиясининг профессори. 2021 йилдан 2024 йилгача Термиз давлат унивурситети қошидаги PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 рақамли илмий Кенгаш раиси сифатида фаолият юритди. 2022 йил профессор илмий унвонига эга бўлган, олим муҳаррирлигида 30 га яқин китоблар нашр этилди. Б.Умурқулов Республикамизда ва хорижий мамлакатларда нашр этиладиган бир қатор журналларнинг таҳрир ҳайъат аъзоси сифатида ҳам фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, Самарқанд давлат университетида нашр этиладигн “Фан, таълим ва амалиёти интеграцияси” журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси, “Сурхондарё: илм ва тафаккур” журнали илмий котиби, Термиз давлат университетида нашр этиладиган “Филологик тадқиқотлар: тил, адабиёт, таълим” журнали бош муҳаррири ўринбосари. Шунингдек, АҚШнинг Техас штатида нашр этиладиган филология, маданият ва тарих журнали таҳририят кенгаши аъзосидир.

Бекпўлат Умурқуловнинг бадиий матн таҳлилига бағишланган бир катор тадқиқотлари АҚШ, Англия, Малайзия, Ҳиндистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирлиги давлатларида нашр этиладиган нуфузли журналларда чоп этилган. Бекпўлат Умурқулов 2023 йил 3-8-январ кунлари Ҳиндистонда ўтказилган “ASIAN socity for academic researching Linguistics English Literature Linguistics” мавзусидаги конференсияда маъруза қилди ҳамда 2023 йилнинг 22-29-апрел кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда ўз маърузаси билан қатнашди. Икки давлатнинг, икки миллатнинг тили ва тилшунослиги бўйича қимматли маълумотлар олиб келиб талабалар ва шогирдлар билан бўлишди.

Бекпўлат домла бундай илмий даражага ва илмий унвонларга осонгина эга бўлган эмас. У илм чорраҳаларидан осонгина ўтиб олгани йўқ. Бу тўсиқларни сабр-бардоши, куч-ғайрати билан, уйқусиз тунларни бедор ўтказиши билан енгиб ўтди ва ўтмоқда.

Устозлар изидан бориб, филология фанини янги қарашлар билан тўлдириб, уни бойитиб, чет эл тилшунослиги билан тенглаштириб, бу фаннинг янги-янги қирраларини очиб бораётган олим Бекпўлат Умурқулов Республикадагина эмас, чет элликларга ҳам танилиб улгурган.

Маълумки, адабий тил ва унинг меъёрлари ва қонуниятлари балоғатга етган, камолотга эришган кишининг шаклланиш жараёнида ўрганиб, ўзлаштириб олинади. Бунда айниқса, оила ва мактаб, олий ўқув юрти, адабий тилни эгаллаган шахслар, олимлар билан яқин алоқада бўлиб туриш ва улар кўмагида турли жанрдаги адабиётларни ўқиш, ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек адабий тили тарихи фани ўрганиладиган тил ҳодисаларининг турли томонларини қамраб олиши жиҳатидан кўп қирралидир. Бу эса илмий текширишнинг хилма-хил усулларидан (анъанавий, тарихий-қиёсий, тузилмали) фойдаланиш имкониятини беради. Демак, ўзбек адабий тили тарихи ўрганадиган соҳа бевосита ўзбек адабий тилидир. Шунинг учун адабий тил тарихи тараққиётининг маълум даврида тилнинг қандай ҳолатда эканлиги, хусусияти билан бир қаторда, тилда нималар юз бераётганини, қайси соҳалари ўзгарганлигини, қандай янги формалар пайдо бўлганини олим қунт билан ўрганади, мутолаа қилади.

Б. Умурқулов 1983 йилдан филология фанлари доктори Эрнест Бегматов раҳбарлигида “Ҳозирги ўзбек поэзиясининг лексик хусусиятлари” номли номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. У бу мавзуни ишлаш билан ўзбек тилшунослигининг долзарб, актуал масалаларидан бирини – бадиий асар тилини стили-

стик жиҳатидан ўрганиш масаласини қайта ўртага ташлади. Бадиий асар тилини стилистик режада ўрганиш соҳасида ўзбек тилшунослигида 60-йилларнинг охири, 70-йилларнинг бошида бир қатор ишлар майдонга келганди. Аммо, бу соҳа мукаммал эмас эди.

“Ҳозирги ўзбек поэзиясининг лексик хусусиятлари”[1] мавзусининг долзарблиги шундан иборатки, аввало ўзбек шеъриятининг фаол қўлланадиган кўпгина сўз ва грамматик формалар, асосан, поэтик нутқ учун хос бўлиб, поэтик нутқ лексикани стилистик кесимда ўрганиш қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон беради. “Аввало шуни қайд этиш лозимки”, дейди олим, – поэтик нутқ адабий нутқнинг асосий компонентларидан бири, бу нутқ тури образлилиги, эстетик таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шеърий нутқ адабий нутқнинг бир компоненти экан, ўз-ўзидан маълумки, унда адабий тил учун унумнормада бўлган лексик воситалар шубҳасиз қўлланилади. Шу билан бир қаторда ишда поэтик нутқнинг ўзига хос специфик хусисиятлари сўзларнинг маълум қатламининг шу нутқ учун табақаланишига ҳам олиб келади” – дея жонли мисоллар орқали асослаб беради.

Айниқса, поэтик нутқнинг хусусиятларидан бири, унинг анъанавийликка асосланишидир. Шу боисдан ҳам поэтик нутқ анъанавий лексик воситаларни – архаик ҳамда анъанавий маъно ифодаловчи сўзларни сақлаб қолувчи нутқ ҳисобланади. Ҳозирги шеъриятда турли услубий мақсадларга кўра фаол қўлланилаётган анъанавий сўзлар поэтик лексиканинг ҳам салмоқли қисмини ташкил қилган. Ушбу монографияда лексик қатлам соф поэтик бўёқдорлиги билан характерланиб, нутқнинг сербўёқлиги, эстетик таъсирчанлигини кучайтурувчи воситалардан бири сифатида хизмат қилиши қайд этилади. “Поэтик нутқнинг муҳим хусусиятларидан бири поэтик фикрни бадиий-поэтик образлар тизими сифатида ифодаланишидир. Шу жиҳатдан поэтик нутқ бадиий нутқнинг бошқа турларидан қисман фарқланади. Поэтик нутқнинг синтактик қурилиши фикрни янада эмоционал, таъсирчан, ифодали ва образли ифодалаш имкониятини яратади”. Яна: “Поэзия тили бадиий адабиётнинг бошқа турлари каби бадиий таъсир кўрсатувчи тил. Бадиий таъсир кўрсатиш қўлами поэтик тил хусусиятлари натижасида янада кучаяди. Дарҳақиқат, *ўт, оташ* каби умумпоэтик метафоралар, *зангори, мовий, зилол* каби умумпоэтик сифатлашлар поэтик нутқнинг муҳим услубий воситаларидан биридир” дея ўз қараш ва фикрларини ўртага ташлайди.

Домланинг фикрича, ҳар қандай поэтик фикр маълум ўлчов асосида баён қилинади. Фикрнинг ифодалилиги қофия, оҳанг, мисраларнинг ўлчовдорликка асосланиши, гап бўлакларининг инверсияси каби ҳолатлар натижасида вужудга келади. Олим фикрларини қоришиқ ҳолда таҳлил орқали баён этади.

Монографияда адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар поэзия тили ҳақида тўхталиб, “...поэзия тили сўз формалари ва сўз вариантлари учун эркин тил. Поэтик тизилманинг бузилмаслиги учун айниқса, ҳижолар талаби билан, поэзия тилида сўзлар кам бўғинли, қисқарган кўринишда фаол қўлланилади” дея ҳукм чиқаради.

Б.Умурқулов нафақат тилшуносликда, балки адбиётшунослик нуқтаи назаридан ҳам поэзия тилини асосли ёритиб беришга эътибор қаратади. “Умуман, ҳозирги ўзбек поэзияси тилида қўлланилиб, стилистик функция бажарувчи анъанавий поэтик сўзлар, поэтик оттенкаси мавжуд бўлган поэтизмлар, барқарор эмоционал-экспрессив оттенкаси мавжуд сўзлар, бир қатор шаклан ихчам, талаффузи қулай жозибадор сўзлар услубий жиҳатдан поэтик нутқ учун табақаланган бўлиб, ҳозирги ўзбек поэзиясида учрайдиган бундай сўзлар ўзбек тилининг поэтик лексикасини ташкил қилган. Поэтик лексика, шеърий текстларда кўчма маъно ҳосил қилувчи сўзларни, образли сўз бирикмаларини, шунингдек, версификацион вариантларни ҳам қамраб олади. Бу воситаларнинг ҳаммаси бир бутун ҳолда поэтик нутқнинг специфик хусусиятларини юзага чиқаришга хизмат қилади»[2], дея поэтик нутқ учун хосланган луғавий воситалар ҳақида муҳим хулосага келади. Лексик воситаларнинг шу нутқ жараёнида бажарадиган вазифасини, уларни нутқнинг ушбу турида фаол қўлланиш сабабларини ўрганиш долзарб масалалардан бири эканлигига батафсил тўхталиб ўтади.

Бадиий адабиёт тилини ўрганиш ва таҳлил қилиш филология илмининг энг муҳим масалаларидан бири бўлганидек, адабий тил тараққиёт йўлларини аниқлаб беришда ҳам чуқур аҳамияга эга.Чунки бадиий адабиёт тили адабий тилнинг асосини ташкил қилувчи умумлингвистик масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида бадиий адабиёт тилини кенг ўрганилаётган аспектлардан бири лексик-стилистик аспект бўлиб, бадиий асар тилини бу усулда ўрганиш тилшунослик учун қанчалик аҳамиятли бўлса, адабиётшунослик учун ҳам

[1] Умурқулов Б. “Поэтик нутқ лексикаси” номли монографияси (ЎзССР “фан” нашриёти, Тошкент-1990)

[2] Умурқулов Б. “Поэтик нутқ лексикаси” номли монографияси. – Тошкент: Фан, 1990.

шунчалик муҳим. Тил воситаси бадиий асарда фикр, тушунча ифодаловчи бирлик сифатида чегараланиб қолмайди, балки бадиий асар асосини ташкил қилувчи образлиликка хизмат қилади. Бадиий асарнинг мазмуни, ғояси ана шу образли тил туфайли вужудга келиши натижасида асарнинг эстетик моҳияти ошади. Шунга кўра, бадиий адабиёт тили образли тил бўлиб, коммуникатив функция бажариш билан бирга, кишига эстетик завқ ҳам бағишлайди. Б.Умурқулов бадиий адабиёт тили адабий тилга бевосита таъсир қилиб, тил маданиятининг ўсишини, ривожланиб боришини таъминлаб туришини исботлаб беради. Шундай экан, бадиий адабиёт тилини ўрганиш ва таҳлил қилиш ўзига хос назарий ва амалий аҳамиятга эга. Б.Умурқулов бадиий адабиёт тилини ўрганишда таниқли олимлар ижодига марожаат қилади ва рус тилшунослигида бадиий адабиёт тилини ўрганишга бағишланган қўплаб йирик ишларга ижодий ёндашади.

Бу соҳадаги йирик тадқиқотлар сифатида академик В.В.Виноградов, профессор А.И.Ефимовнинг бир қатор ишларини кўрсатиш мумкин. Бу ишларда бадиий адабиёт тили, уни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг назарий масалалари атрофлича баён қилинганлиги эътироф этилади.[1]

Муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда сўз ва унинг қадр-қиммати, сўзни увол қилмаслик ҳақида икки оғиз фикр билдириб ўтишни маъқул кўрдим.

Айтадиларки, барча нарсанинг аввалида сўз туради. Сўз инсонни тарбиялайди, камолга етказади. Сўз неча минг йилларнинг ибратли воқеаларини, сабоқларини, фойдали жиҳатларини авлодларга етказади. Хусусан, бадиий адабиёт шаклидаги сўз оламшумул ишларни қилишга қурблидир. У хоҳ ёзма адабиёт бўлсин, хоҳ оғзаки ижодиёт шаклида бўлсин, неча-неча авлод вакилларини тарбиялайди, ҳам жисмонан, ҳам руҳан қувватли қилади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, олимнинг сўз ҳақидаги ҳайратомуз даражада улкан ишларни амалга оширганига иқрор бўламиз.

Тадқиқотчининг илм йўли чорраҳасидаги яна бир асарига назар ташлаймиз: “**Бадиий адабиётда сўз”**[2] асарида шундай фикрлар келтирилади: “Ўзбек тилшунослигининг долзарб мавзуларидан бири адабиётнинг тили, ўзига хос хусусиятларининг ёритилишига алоҳида эътибор қаратади бадиий адабиёт тили бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири, унга бўлган қизиқиш кенгайиб боришига қарамай, олим намуна қилиб кўрсатгунигача бўлган вақтда ҳеч бир тадқиқот иши майдонга келгани йўқ эди. Шу боис ҳам ўзбек тилшунослигида *бадиий адабиёт* тили тушунчаси кенг қамровли, тўла ифодасини топган эмас”. Бекпўлат Умурқуловнинг китобида эса бадиий адабиёт тилининг ҳар бир меъёри ўз ифодаси нуқтаи назаридан батафсил таҳлилга эга.

Бекпўлат Умурқуловнинг қаламига мансуб дарслик, қўлланма ва методик асарларидан, икки юзга яқин мақолаларидан ўқувчилар янги бир фикр янги далил ва асосларни илғаб олишади.

Бу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда ТерДУ Бошланғич таълим кафедраси педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Феруза Хайитова шундай маълумот беради. “Мен устозимизнинг қаламига мансуб она тили ва адабиётга тааллуқли дарслик, қўлланма ва абутуриентларга ёрдам китоблари билан таниш бўлганман. Университетда бевосита домланинг қизиқарли мунозарали-маърузаларидан мактаб ўқувчилик даврларидан бевосита баҳраманд бўлганман. Ҳақиқаттан ҳам *ирода*, *эътиқод* деган тушунчага кундалик ҳаётимиз жараёнида деярли ҳар куни дуч келамиз. Аммо уларнинг ҳақиқий соҳиблари кимлар, деган саволга бир оз ўйланиб, мулоҳаза юритиб жавоб берамиз. Негаки, ушбу кишилар ҳаёт ва меҳнат фаолияти жараёнида барча қийинчилик, синовларни метиндек иродаси ҳамда мустаҳкам эътиқоди билан енгиб ўтишлари зарур бўлади. Ўз навбатида бундай кишилар жамият ривожида ҳам фаол қатнашиб, ўзларининг тўғри сўзлилиги, қатъиятлилиги, ҳар бир юмушни виждонан, масъулият билан бажаришлари туфайли обрў-эътибор қозонадилар.

Илм йўлида ҳормай-толмай, қизғин меҳнат қилаётган устоз Бекпўлат Умурқулов домланинг ижодий палласида биз билан бир сафда хизмат қилаётгани ҳақида бораётганда эса, ҳеч иккиланмай, у кишини ирода ва эътиқодга суянган олим, устозлик оламида яшаган инсон дея оламиз.

Бекпўлат Умурқулов 6 нафар фарзанд ва кўплаб шогирдларни жамият хизмати, эл-юрт кори учун тарбиялаб бераётган фидоий инсондир. Бу борада у кишига ота-онасининг ўгитлари, ҳаётий тажриба ва ниҳоят Оллоҳ томонидан ато этилган ақл-идрок қўл келди, десак адашмаймиз. Инчунун, биз буни домла билан бўлган узоқ суҳбатлар, ота-онасини яқиндан билган кишилар билан сўзлашув жараёнида ҳам кузатганмиз”.[3]

Бекпўлат Умурқуловнинг нуфузли олимлар билан баҳслари поэтика ҳақидаги фикрлари бадиий адабиёт тилининг кенг кўламдаги тадқиқот объекти эканлигини кенг қамровли далиллар асосида

[1] Умурқулов Б. “Поэтик нутқ лексикаси” номли монографияси. – Тошкент: Фан, 1990.

[2] Умурқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 27.

[3] 2022 йил 15 августдаги суҳбатдан.

исботлаб беради.

Олим ўз фикрлари ва дунёқарашини бошқа академик ва олимлар фикр-мулоҳазалари билан таққослаб, танланган мавзуни ёритишга ҳаракат қилади. Масалан, “Академик В.В.Виноградов бадиий адабиёт тилини филология фанининг бир-бири билан фарқли равишда тилшунослик ва адабиётшунослик аспектида ўрганилиши лозим бўлган объект деб ҳисобласа, П.Григорьев бадиий адабиёт тили лингвопоэтик тадқиқотлар учун асосий объект бўлганидек, лингвистик поэтика учун ҳам объект бўлиб қолишини такидлайди”[1].

Бадиий адабиёт тили лексикасини услубий нуқтаи назардан ўрганишда муаллиф қуйидагиларга эътибор беришни лозим топади: “Бадиий адабиёт тили лексик жиҳатдан қамровдор бўлиб, бу кенг қамровлик бадиий нутқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Бадиий адабиёт тили нуқтнинг барча шаклларини адабий тил билан боғлаб турувчи тилнинг алоҳида кўриниши бўлганлиги учун унда барча нутқ услубига хос воситалардан фойдаланилади. Бадиий адабиёт ҳаётни бадиий акс эттириш формаси. Унда кишилар, характер, маълум давр ва муайян ҳаётий воқеалар тасвирланади. Бу ҳол бадиий адабиёт тилида турли луғавий қатламларга оид сўзлар – умумистеъмол сўзлари, эскирган сўзлар, касб-ҳунарга оид сўзлар ва диалектизмларнинг кенг миқёсда қўлланишига олиб келади. Бадиий адабиёт тили кенг функцияли тил. Шунингдек, бадиий нутқ ёзма нутқ турлари орасида лексик-грамматик воситалари, нутқ қурилиши жиҳатидан ажралиб турувчи нутқдир. Бадиий нутқнинг бу алоҳидалиги лексик жиҳатдан, унинг таянч сўзлари бадиий китобий сўзлар бадиий адабиёт тили жараёнида турли услубий имкониятларни”[2] вужудга келтирувчи манба эканлиги билан характерланади, дея ҳукм чиқаради.

“Дарҳақиқат, бадиий адабиёт тилини ўрганиш ва таҳлил қилиш, долзарб муамоллардан бири, зеро, бадиий адабиёт тили адабий тил тараққиёти йўлларини аниқлаб беришда ҳам чуқур аҳамиятга эга. Чунки бадиий адабиёт тили адабий тилни ривожлантирувчи манбалардан бири бўлганидек, адабий нормани шакллантириб борувчи адабий тил учун янги норматив воситаларни тавсия этувчи тилдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, бадиий адабиёт тилини ўрганиш умумлингвистик масалалардан бири ҳисобланади”, деб хулосалайди.

Бадиий асарни таҳлил ва талқин қилиш учун юқорида таъкидлаганимиздек, домлада илм қувати, илм салоҳияти илмнинг моҳиятини, мазмунини англаш салоҳияти бор. Тўғри, кўплаб олимлар Ҳамид Олимжон шеъриятининг таҳлил ва талқинига қўл урган, Б.Умрқулов эса шеъриятдаги жозибадор узукка кўз қўйгандек, қофия санъатини синчковлик билан таҳлил қилган. Ҳамид Олимжон достонларидаги эҳтиросли қофиялар таҳлили билан таҳлилчининг эҳтиросли қўшилиб, чатишиб кетганини англаймиз.

Ўзбек адабиётининг улкан сиймоларидан бири сифатида ижоди тадқиқотчилар томонидан кенг кўламда ўрганилаётган ижодкорлардан бири Ҳамид Олимжондир. Зеро, шоир шеърияти чуқур мазмунга, гўзал ифодаларга бойлиги билан бир қаторда, шеърий санъатлар қўлланишининг мукаммаллиги билан ҳам ажралиб туради. Ана шундай санъатлардан бири – шеърият учун муҳим ҳисобланган қофия санъатидир.

Қисқа ва сермазмун ижодининг самараси сифатида халқимиз учун катта мерос қолдирган ижодкор Ҳамид Олимжон достонлари материаллари асосида тайёрланган “**Шоирнинг қофия санъати**”[3] номли монографияси нашр этилди. Бунгача Бекпўлат Умурқулов бадиий асар тилини таҳлил қилиш масалалари бўйича 100 дан ортиқ илмий мақолалар ёзиб, нашр эттирган.

Ҳамид Олимжон барча шеърий санъаткорлар сингари қофияга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, унинг бетакрорлигидан фойдаланган. Ушбу китобда шоирнинг қофия тузишдаги маҳоратини йирик ҳажмдаги асалари мисолида таҳлил этишга ҳаракат қилинган.

“Шоирнинг қофия санъатида” таҳлилчи ўз фикрини қуйидагича давом эттиради: “Аслида бир хил такрорланган сўзлар қофияланмайди. Бу ҳолат радифлардан ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Бир хил сўзлар маъно жиҳатидан ҳам товуш жиҳатдан ҳам тенг бўлса, улар қофияланмайди. Агар бир хил сўзлар товуш жиҳатдан фарқланмаса-ю, маъно жиҳатдан фарқланса, улар бекаму-кўст қофиядошликни таъминлай олади. Юқоридаги *ёқар* сўзи ана шундай маъно фарқлашга эга. Бу сўз биринчи мисрада “кўнглига ёқмоқ” маъносини ифодаласа, кейинги мисрада “оловда ёқмоқ” маъносини воқелантирган. Ана шу шакл-дошлик хусусиятига асосланган ҳолда уларни қофиядош деб ҳисоблаш жоиздир.

Иккинчи бўлимнинг учунчи қисми сўзларнинг қуйидагича қофиядошлигига эга.

[1] Умурқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. – Тошкент: Фан, 1993. – 129 б.

[2] Умурқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. – Тошкент: Фан, 1993. – 129 б.

[3] Umurqulov B, Umurqulov Z, Raximova U. Shoirning qofiya san’ati. – Toshkent: Adabiyot uchqunlari, 2016.

Ўзак ва ўзак

Кун-тун
Солмишдир-олмишдир.
Ўзак ва қўшимча
билмаст-маст
тайёрланар-ёнар,
хабардор-бардор.

Бу бўлимдаги 10 мисрадан 4 таси ўзак ва ўзак, 6 таси ўзак ва қўшимча типида қофияланган. Юқоридагилардан кўринадики, “Зайнаб ва Омон” достонида қофияси асосан ўзак ва ўзак кўринишидаги қофиядошликка асосланилган. Дарҳақиқат, биринчи бўлимдаги ҳамма қисмларда, иккинчи ва учинчи бўлимларнинг кўпгина қисмларида қофия ўзак ва ўзак типидаги кўринишга эгадир”[1].

Ҳамид Олимжон моҳир сўз устаси. У сўз танлаш ва уни ўрнида қўллашга алоҳида аҳамият берган. Бу ҳолат шоир асарларида тўлиқ ва жарангдор қофиядошликни таъминлашга ҳам олиб келган. Маълумки, тўлиқ ва жарангдор қофиядошликка эришиш ўз-ўзидан бўлавермайдиган мураккаб жараён. Бу жараён турли воситаларни излашни, товушдош сўзларни танлай билишни талаб қилади.

Ҳ.Олимжон турли воситалардан фойдалана олганлиги учун ўз асарларида тўлиқ ва жарангдор қофиядошликни таъминлашга эришган. Чунончи, сўзларни шакл ва вариантлардан, шакл ва маъно муносабатлари ҳамда товушдошлигидан маҳорат билан фойдаланиши мукаммал қофиялар яратилишига олиб келган. Масалан, шоир ижодида *мен, сен, у* олмошларининг *ман, сан, ул* поэтик вариантлари қофиядошлик мақсадида анча фаол қўлланилган.

Бунёд келган замон ул,
Шодликка тўлди буткул.
“Семурғ ва Паризод” достонидан”
Нафратим бордур санга
Ўзинг ўйлаб кўр танга.
“Ойгул билан Бахтиёр” достонидан

Шоир қофиядошликни, шунингдек, мисралардаги ҳижолар мутаносиблигини тахминлаш мақсадида турли қисқартма шаклларни қўллайди. Шоир қўллаган қисқартма шакллар орасида шеъриятда қадимдан ишлатилиб келган *бўб//бўп, гар, чун* каби қисқартмалар бўлганидек, шоирнинг ўзи ҳам бир қатор сўзларни қисқартириб қўллайди. Масалан, *кучини, йиқитармиз* сўзларининг *кучин, йиқармиз* шакллари қофия ташкил қилиш мақсадида Ҳ.Олимжоннинг индивидуал услубига хосдир.

Тинглар эдим бетиним,
Узун тунлар ётиб жим.
Сеза олардим кучин,
Кўпи ёлғон кўпи чин.

* * *

Лекин бу гал бўлмади,
Аммо тилак ўлмади.
Бир кун сани йиқармиз
Ва қабрга тиқармиз.[2]
“Ойгул билан Бахтиёр” достонидан

Бу ҳар икки тўртлик маснавий шаклида қофияланган. Олдинги тўртликдаги *чин* сўзи билан тўлиқ қофиядошликни таъминлаш учун *кучини* сўзи *кучин* шаклида қисқартириб қўлланса, иккинчи тўртликда *тиқармиз* сўзига қофиялаш учун *йиқитармиз* сўзи *йиқармиз* шаклида қўлланган. Сўзни бундай ўзгартириб қўллашда унинг нутқда бирор нутқий вазифа бажариши кўзда тутилади. Агар нутқ жараёнида сўз бирор нутқий вазифа бажармаса, унда сўзни қисқартириб ёки бирор бир шаклда ишлатишнинг ҳожати қолмайди. Бу ҳолатда сўз ўта сунъийлаштирилгандек, норматив нутқ учун ҳам ноўриндир. Юқорида қисқартирилиб қўлланилган сўзлар ушбу нутқда ҳам, қофиядошликни, ҳам ҳижолар мавофиқлигини таъминлаган”[3].

Олимнинг таъкидлашича, “Ҳамид Олимжон достонларида қофия шеърий мисраларининг ритмик бўлинишини таъминлаб, уларни ўзаро боғлаб, мусиқийлигини кучайтирган. Шунингдек, қофия жараёни орқали шоир ўзбек тилида бой оҳангдош сўзлар силсиласи мавжуд эканлигини кўрсата олган”лигини маҳорат билан таҳлилга олган.

Аждодларимиздан бизгача етиб келган сўз ҳақидаги фикрларига эътибор каратамиз. “Оламда сўз кўп. Унинг ҳаммасини жамлашга инсон ва унинг ақл-идрокининг қурби етмайди. Аммо керакли сўзларни айтиш учун уни мажбурлаш шарт эмас. Шоир шундан кейин ўгит қилиб, отадан қоладиган

[1] Umurqulov B, Umurqulov Z, Raximova U. Shoirning qofiya san’ati. – Toshkent: Adabiyot uchqunlari, 2016.

[2] Umurqulov B, Umurqulov Z, Raximova U. Shoirning qofiya san’ati. – Toshkent: Adabiyot uchqunlari, 2016.

[3] Umurqulov B, Umurqulov Z, Raximova U. Shoirning qofiya san’ati. – Toshkent: Adabiyot uchqunlari, 2016.

мероslардан бўлган олтин-кумуш билан сўзни солиштириб, сўзнинг улуғлигини, бебаҳо бойлик эканлигини таъкидлайди:

Кумуш ишга тушса олқинар, туғар,
Сўзим ишга тушса, олтинлар тўкар"[1].

Демак, ушбу ўгитга кўра, кишидан кишига, авлодларга қоладиган мерослarнинг аълоси – сўз. Унга амал қилиш минг-минг фойда ва наф келтиради.

Ўзак ва ўзак

Кунларимда – тунларимда Жони – хони
Дамлар – гиламлар қонида - исёнида
Қанотлар – отлар кунлар - тунлар
Қиссаси – хиссаси бошини - ёшини
Тортар – ортар ўлимдан - зулмдан
Кучин – кечин андиша - теша
Томонда – замонда косов - ёв
Элда – сэлда отинлар - хотинлар
Қоқди – ёқди соқол - чол
Ор – дор Қон – замон
Ботди – ётди

Фикрларимизни домланинг **"Поэтик нутқ лексикаси"** монографиясига қаратамиз:
Мен илк бор дунёнинг харитасида,
Олтин узук янглиғ ўлкамни кўрдим.
Заминнинг дўппидек бир палласида
Ҳилолий нусха гул –
Бу менинг юртим[2]!

Бу парчадаги қатор-қатор ўхшатишлар, шоир ифодаламоқчи бўлган фикрининг сербўёқлигини уюштирганидек, *ҳилолий* оккозионализми ҳам ифода хусусиятига кўра ушбу шеърий парчанинг умумий руҳига мос топиб ишлатилган. Шеър руҳига мос сўзлар, жозибадор фикрлар топиб, таҳлил қилганлиги ҳам шерга ярашиб тушган.

"Шоир Ўзбекистонни гулга қиёс қилади" дейди олим. У шунчаки оддий гул эмас, ҳилолий нусҳа гул. *Ҳилол* сўзи "Уч кунлик ой маъноси"да қўлланган, шу сўз таркибидаги *-ий* қўшимчаси ўхшатиш ҳосил қилган. Ойнинг энг гўзал даврига Ўзбекистоннинг қиёсланиши натижасида фикрий образлик кучайтирилган.

Худди шу усулда оккозионал сўз ясалганини А.Ориповнинг "Райҳон" шеърига ҳам эътибор қаратади: *Саҳрода сарбонларнинг оқарган сўнгаклари жаҳаннамий дашт ўзра ялтираб турган сароб* … "А.Орипов ўз шеъриятида Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжонларга хос бўлган оккозионал сўзлар яратган. Чунончи, *замондош, ўлкадош, елкадош, югурик, хотирот, маним* сўзлари Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон шеъриятида учрайди. А.Орипов бу сўзларни ўз ижодида қўллаб, устозлар анъанасини давом эттирган. Поэтик нутқда бу хилдаги сўзларнинг фаоллашиши учун А.Орипов поэзияси маълум босқич вазифасини ўташи ҳам мумкин" деган хулосага келади.

"Ойгул билан Бахтиёр" достонининг биринчи ва иккинчи бўлимларида хам ўзак ва ўзак типидаги қофиялар асос эканлигини кўриш мумкин. Шоир қофия санъатининг ниҳоятда мукаммал эканлигини исботлаб берган. Шунингдек, олимнинг синчковлик билан шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг учта достонининг қофияланишини таҳлил қилиб чиққанлига эътиборимизни қаратамиз.

Бекпўлат Умурқуловнинг "**Бадиий нутқ жозибаси"**[3] китобида бадиий нутқнинг лингвистик хусусиятлари, бадиий нутқда бадиий эстетик моҳиятнинг намоён бўлиши бадиий наср материаллари асосида луғавий-услубий жиҳатдан таҳлил қилинган. Унда ўзбек бадиий насри ўзбек тили луғавий бойликларини кенг қамраб олувчи нутқ экани, бу ҳол ўз моҳиятига кўра, ижодкорга образли нутқ яратиш учун имкон бериши, бундай нутқнинг юзага келтиришда индивидуал қўлланишлар, кўчма маънолар, синонимлар, сўз вариантлари каби луғавий бирликлар ёритиб ўтилганлиги келтирилади.

[1] Umurqulov B, Umurqulov Z, Raximova U. Shoirning qofiya san'ati, Adabiyot Uchqunlari. Toshkent, 2016.

[2] Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент, 1990.

[3] Умурқулов Б. Бадиий наср жозибаси. – Тошкент: Муҳаррир, 2021.

Мен дўстимнинг адабиётга, санъатга ёшликдан бўлган қайноқ муҳаббати бекорга кетмаганидан, республика филология фанимизнинг улкан заҳматкаш намояндаси бўлиб етиишганидан ўзимда йўқ хўрсандман. Айни пайтлар олимнинг етуклик босқичига дадил кўтарилганлигидан далолат берувчи илмий босқич деб биламан.

Олимнинг фаолиятида турли масалалар ёритилган талай асарлари ҳам борки, улар республикамизда филология илмини бойитишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, адабиётнинг фахри, Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон”, “Семурғ ва паризод”, “Бунёднинг жанги” каби достонларини синчковлик билан таҳлилга олган.

Тадқиқотчи маҳоратини кўрсатиш борасида, бадиий сўз сеҳрининг серқирра жилосини, санъаткорона нафис очиш жиҳатидан Ҳамид Олимжон ижодига бағишлаган тадқиқоти кўпчилик касбдош ва адабиёт ихлосмандлари оғзига тушганида кўп гап бор. В.Г.Белинскийнинг айтганидек, “Истеъдодга ҳурматсизлик – нодонлик аломати”. Негаки, талант халқ мулки, уни авайлаш керак. Одатда, истеъдод билан ёзилган бадиий асар, катта-кичиклиги ва муаллифнинг ёшидан, жанридан қатъий назар, бир умрга ўлмас, оригинал, ҳамиша ардоқли, демакки, классик намуна бўлиб қолади. Бундай асарларни Ҳамид Олимжон, Абдулла Қодирийдан тортиб Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари истеъдод эгалари қаламига мансуб сўз санъати намуналарида кўп учратамиз. Худди шундай моҳиятга молик намуналар бадиий сўз санъати борасидагина эмас, илмий кашфиёт бобида фан билан бадиий ижодни бир-бирига боғлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

“Ўрта мактабнинг юқори синфларида ўқиб юрган чоғларимизда домла “Ҳозирги ўзбек адабий тили, кирилл ва лотин алфавитидаги ўқув қўлланма ва дарслигининг яратувчилардан бири сифатида меҳримизни орттирганди. Шунингдек, олий ўқув юртига кирувчи абитуриентлар учун ёзилган “Ўзбек тили” қўлланмасининг ҳам талабаликка қабул қилинишимизга катта фойдаси теккан деб ёзади, Термиз давлат педагогика институтининг 3-курс талабаси Нафосат Сайфиддинова. Бу фикрни талаба бежизга айтаётган эмас. Чунки устоз ҳар бир адабий ҳодиса ёки асар устида ўз билимини ўзгалардан аямайди, эринмай баҳам кўради: камтарлиги устига бундай сифатнинг мужассамлиги сабабли мухлислар, шогирдлар, илм толиблари, қаерда бўлмасин, гул атрофида ғужгон ўйнаган асаларилардек, домланинг атрофида ўралашади, тортиниб, қисиниб, қимтиниб турмай савол-жавобга тутишгани, тутишган...

Бекпўлат домла билан дўстона ўтиришимиз, суҳбатларимиз, албатта, илмий йўналишларда бўлади. Бир сафарги суҳбатимиз ўрта мактабларнинг ўқувчиларига ўргатилаётган дарсликлар, мавзулар ва уларнинг онгига сингдирилиши борасида бўлди. Домла ўз фикрини шундай давом эттирди: “Тилнинг барча томонлари (талаффуз, фонетика, лексика, грамматика, сўз ясалиши)ни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш она тилини ўрганишдаги етакчи тамойил бўлиб, уни амалга ошириш мураккаб, ривожланувчан, ўзаро боғланган муҳим томонларга эга бўлган ҳодиса сифатида англаб етишлари учун илмий асос яратади. Тилнинг моҳиятини бундай идрок этиш ҳодисаларнинг ривожланувчанлиги ўзаро боғланган қисмлардан тузилишини тушунишга замин ҳозирлайди.

Мактабда ўқув предмети сифатида тилни ўрганиш тизими тилнинг барча томонларини, яъни фонетикаси, лексикаси, сўз ясалиши ва грамматикасининг ўзаро ички боғланишларига ҳам асосланади. Айниқса, мактабларда она тилини ўргатишнинг мазмуни жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида давлатимизнинг мактаб олдига қўйган вазифасига мосланган. Бу вазифа ўқув предмети сифатида ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти бўлиб, ўқувчини шахс сифатида шакллантиришга йўналтирилган умумтаълим вазифалари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади”.

Яна домла қўшимча қилади, она тили дарси, аввало, ўқувчилар нутқ ва тафаккурини ўстириш дарсидир. Она тили дарслари ижтимоий-фойдали бўлиши учун ўқувчиларда ўз фикрини грамматик тўғри, услубий аниқ, изчил ифодалаш ва бошқалар фикрини бера олиш кўникмасини шакллантиришга қаратилиши лозим. Гапни грамматик жиҳатдан тўғри қуриш малакалари, фикрни турли нутқ услубларида тўғри ихчам, равон, тушунарли баён қилиш кўникмалари кабиларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилишга тўғри келади.

Эътибор қилинг, ўрта мактаб ўқувчилар нутқининг кўрсатгичларидан бири унинг сўз бойлигидир. Педагогик адабиётларда берилган илмий маълумотларга қараганда, 2 ёшли болалар 30 дан 100 гача, 4 ёшли болалар 1000 дан 4000 гача , 7 ёшли болалар 3000 дан 7000 гача, 10-11 ёшли болалар 8000 дан 15000 гача, 14-15 ёшдагилар 11000 дан 18000 гача сўзларни билиши лозим. Афсуски, она тили машғулотларида фикрни оғзаки ва ёзма шаклда баён қилиш зарурияти туғилганда, ўқувчиларда сўз қашшоқлиги дарров сезилиб қолади” дея куюнчаклик билан фикр билдиради.

Профессорнинг гапида жон бор. Ҳозирги мактаб ўқувчиларининг сўз бойлигидан қашшоқлиги ҳам айни ҳақиқат. Тўғри, оғзаки ва ёзма нутққа эътибор сусайиб бормоқда.

Шу ўринда Юсуф хос Ҳожибнинг фикрини келтириб ўтамиз: “Билим, заковат соҳиби бўлишнинг асосий калити тилдир. Тил туфайли киши ўз илми, ақл-идроки, заковатига жило беради, фикрини равшан қилади. Тил, сўз кишининг қадр-қимматини оширади, улуғликка элтади. Аммо сўзни ўйлаб, билиб, кези келгандагина сўзлаш керак. Шундагина тил ва сўзнинг нафи жуда катта бўлади. Ўйламай сўзланса, сўз киши қадрини туширади, уни эътибордан қолдиради. Шунинг учун оз, лекин соз сўзлаш даркор”.

Домла ёзма нутқни ўргатиш методикасига ҳам ўз фикрларини баён этиб ўтади: оғзаки нутққа қараганда анча мураккаб жараён саналади. Чунки у ўқувчилардан грамматик ва мазмун жиҳатдан тўғри жумла қуришни, ҳар бир сўзни ўз ўрнида тўғри қўллашни, фикрни ихчам изчил, ифодали, услуб жиҳатдан содда ва равон ифодалашни, баён қилинган фикрлар асосида хулосалар чиқаришни талаб қилади. Шу сабабли нутқнинг бу тури анча кескин ва мурукkаб кечади. Она тили машғулотларида шундай ҳолатни вужудга келтириш лозимки, ўқувчи яратган матнидан қониқиш ҳосил қилсин. Шунда ўқувчи ўз нутқини такомиллаштириб боришга илҳом бахш этади.

Кўпчилик ўқувчилар ижодий фикрлаш, фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма равишда тўғри ифодалашга қийналадилар; ўзбек адабий тилининг бой имкониятларини нутқий жараёнларда қўллай олмайдилар. Бунинг сабабларини аниқлаш учун болаларнинг нутқий тараққиётини белгиловчи омиллар; уларнинг сўз бойлиги, сўз ва сўз бирикмларидан гапда ўринли фойдаланиш маҳоратини алоҳида таҳлил қилишга тўғри келади”, дея фикрини хулосалайди.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, сўз санъати билан шуғуланувчи кишилар, айниқса, инсон таълим-тарбияси учун масъул бўлган муаллимлар ифодали нутқ маҳоратини пухта эгаллаган бўлишлари зарур. Хақиқаттан ҳам ўқитувчининг бутун сиймоси хатти-ҳаракатларидан тортиб, гапириш услубигача ёш ва тажрибасиз тақлидчан ўқувчи учун жонли намуна ҳисобланади. Донишмандлар наздида инсон сўзи билан танилади ахлоқи билан мақталади. Бинобарин, ёш авлоднинг шахс сифатида камол топишида муҳим рол ўйновчи муаллимнинг равон ва ифодали нутқи гўзал ахлоқи беқиёс ибрат намунаси булиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ифодали нутқ воситаларини пухта ўзлаштириш, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш орқалигина ифодали ўқишда маълум натижаларга эришиш мумкин. Ифодали ўқиш инсонда туйғу ва кайфиятлар ҳосил қилади, аниқроғи, воқеликнинг ҳис-туйғулари қиёфасини яратади.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда шуни айтишимиз жоизки, ҳар бир мактаб ўқувчиси бошланғич синф давриданоқ бадиий адабиёти ва ўз она тилини пухта эгалласа, шубҳасиз, адабиётимиз боқий яшайди. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса, миллат яшайди” ибораси негизида ҳам мана шу долзарб масала ётганини англаш қийинмас.

Олим ўз устозларининг ишларини собитқадамлик билан давом эттириб, тилшунослигимизда нисбатан ёш ва навқирон соҳалар ҳисобланган “Ўзбек тили услубияти”, “Нутқ одоби ва маданияти”, “Бадиий асар тили ва услуби” фанларининг ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Устоз томонидан яратилган ҳар қандай илмий тадқиқот ишларини кўздан кечирар экансиз, унинг ўз тилини ҳаддан ортиқ суйиши, ардоқлашининг гувоҳи бўласиз. (**Суюн Каримов,** СамДУ филология фанлари доктори, **Азамат Пардаев,** СамДУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари доктори, **Шавкат Маҳмадиев,** СамДУ, Филология фанлари номзоди, доцентлари эътирофларига қўшилган ҳолда фикрларимизга ҳозирча якун ясаймиз).

Resume. The given article is dedicated to the scientific and creative activity of Professor Bekpulat Umurkulov. It mentions the achievements of the hero of the article, respect for his teachers, kindness to his students, and loyalty to his friends.

The difficulties and joyous achievements of the professor in the path of science, his honors in the path of science are highlighted, and information about textbooks, monographs, and manuals, articles written by the scientist is also included. Besides, the analysis of the scientist’s 1st, 2nd and 3rd books are presented, as well as reviews and comments on the scientist’s works are also given.

Резюме. Данная статья посвящена научной и творческой деятельности профессора Бекполата Умуркулова. В статье упоминаются его достижения, отмечены его почтение к учителям, доброта к ученикам и верность друзьям. Освещаются трудности и радостные достижения профессора на научном поприще, а также имеются сведения о его учебниках, монографиях, научных статьях, принадлежащих перу ученого.В статье также представлен анализ 1,2,3 частей книг ученого, а также даны рецензии и комментарии к его работам.